

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 597-ҳадис

67- Ҳадисларнинг маъноси ва тарғиби

### 67-Боб

**Бирор зарар етгани сабабли ўлимни орзу қилишнинг кароҳияти. Лекин динида фитналаниб қолишдан хавф этса, зарари йўқлиги хусусида**

597 - Ҳадисларнинг маъноси ва тарғиби :Ҳадисларнинг маъноси ва тарғиби

Ҳадисларнинг маъноси ва тарғиби :Ҳадисларнинг маъноси ва тарғиби

1. 597. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Бирортангиз ўлимни орзу қилмасин. Яхши амалли бўлса, шояд (яхшилиги) зиёдалашса. Ёмон амалли бўлса, шояд (ёмонликларидан яхшиликка қайтиб) ризолик топса»,** дедилар».

*Муттафақун алайҳ. Бу ҳадис Имом Бухорий лафзидир.*

Имом Муслимнинг лафзида Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Бирортангиз ўлимни орзу қилмасин, унга ўлим келмасидан олдин уни сўраб дуо ҳам қилмасин, чунки бирортангиз ўлса, унинг амаллари узилиб қолади, умр эса мўминга фақат яхшиликни зиёда**

**қилади»**, дедилар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI